

Отнинг закоти | Фикҳ дарслари (296-дарс)



19:00 / 29 август 227

وَإِثْنَا إِلَانِمِ سَرَفِ لُكِي فَو
عُغْبُرُ وَأُرَانِي دِرَ طِلَاتِ خُمْلَا
الْو، أَبِ اصْنِ اهْتَمِي قِرْشُ ع
يَا، ةَمِّيْ اسْلَا يِفِ الْإِبْجِي
يِفِ يَغْرَلِ ابِ ةَي فَاتِ كُمْلَا
رَاعِ صْلَا يِفِ الْوَلُوحِ لَارِثِ كَأ
أَمِي فِ الْو، رَابِ كِلْ لِ اعْبَتِ الْإِ

لَمْ غَي

مَلْ نِإْفُ ، طَسَوُلَا بُجَاوُلَاو
عَمَ يَنْدَالَا لِمَاغَلَا دُخْأَيِ دَجْوِي
دُرَيِّو يَلْغَالَا وَأَلْضَفَلَا
لْضَفَلَا

Урғочи ва (эркак-урғочи) аралаш отларнинг ҳар бирдан бир динор ёки қийматининг ўндан бирининг тўртдан бири, агар нисобга етган бўлса.

Фақат далада ўтлайдиган, яъни йилнинг кўп қисмида яйловда боқиладиган ҳайвондангина закот бериш фарз бўлади. Кичикларидан ҳам берилмайди. Илло, катталарга тобе бўлсалар, берилади. Иш ҳайвонларида ҳам закот йўқ.

Ўртачасини олиш вожибдир. Агар топилмаса, закотчи кичигини олиб, устига қўшимча олади ёки каттасини олиб, ортиғини қайтаради.

Бу матндаги маъно Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодига биноан келган. Аммо бу масалада ҳанафийларнинг ўзлари ҳам турлича ижтиҳод қилганлар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг наздида ёлғиз урғочи ҳамда урғочи-эркак аралаш отлардан закот олинади. Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг наздида битта урғочи отдан ҳам, урғочи-эркак аралаш отлардан ҳам закот олинмайди.

Шунингдек, ҳанафий мазҳаби уламолари отнинг нисоби ва ундан чиқариладиган закот миқдори ҳақида ҳам бир неча хил фикр айтганлар.

Баъзилари учтадан олинади деган, баъзилари бештадан деган. Бошқалари эса иккитадан – бир урғочи ва бир эркак отдан олинади деган. Саҳиҳ қавлга кўра, Абу Ҳанифанинг наздида нисоб этиборга олинмаган.

Бериладиган закот ҳар бир отдан бир динар ёки отнинг нарҳини пулга чақиб, ҳар икки юз дирҳамдан беш дирҳам чиқаришдир.

Бугунги куннинг тили билан айтганда ҳар бир отдан унинг қийматининг қирқдан бири – икки ярим фоизи миқдорида закот берилади.

Қуйидаги отлардан закот олинмайди:

1. Миналадиган, ишлатиладиган ва жиҳодга тайёрланган отлардан закот олинмайди.
2. Тижорат учун сақланадиган отлардан закот олинади.
3. Ем бериб боқиладиган отлардан закот олинмайди.

Демак, тижорат учун боқиладиган от, хачир ва эшаклардан закот олинади.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.